227

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar

HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Каттақўрғон шаҳар

ХОКИМИ

*O'zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati Kattaqo'rg'on shahri*

«4» декабр 2012 yil №740-К

# QAROR

***Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2008 йил 29 декабрдаги № 656-Қ сонли қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги № 146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид булмаган бошқа эхтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2011йил 28 майдаги № 121-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда ер участкалари бериш тартибини янада такомиллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, Республика аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасининг Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида Каттақўрғон шаҳар У.Барноев 2 берк кўчаси 2 уйда яшовчи Очилов Шокирнинг ҳамда Самарқанд 2 берк кўчаси 1 уйда яшовчи Таиров Абдусаттарнинг аризаларини инобатга олиб, Узбекистон Республикаси Фуқаролик ва Ер кодексларига мувофиқ

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

**1.** Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги № 44-Ф сонли "Каттақўрғон шаҳар шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида"ги фармойиши билан тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлансин.

**2.** Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2008 йил 29 декабрдаги № 656-Қ сонли қарорига ўзгартириш киритилсин.

**3.** Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2008 йил 29 декабрдаги № 656-Қ сонли қарорига биноан У. Барноев 2 берк кўчаси 2 уйда яшовчи фукаро Очилов Шокирга ажратиб берилган 0,30 га ер майдонидан 0,15 га ер майдони қисми Самарқанд 2 берк кўчаси 1 уйда яшовчи фуқаро Таиров Абдусаттарга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриб атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун ажратиб берилсин.

**4.** Ерни натура жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда қурилишини назорат қилиш архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда "Ермулккадастр" хизмати ДУК зиммаларига юклатилсин.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида курсатилган 2 йил муддат ичида қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаса ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб хисоблансин.

**6.** Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими С.З.Раззақов.